



THE IMPACT OF LAND-WATER RELATIONS ON THE SOCIO-ECONOMIC LIFE OF THE POPULATION IN TURKESTAN IN THE 19TH CENTURY

Nuriddin Musaev

doctor of history, professor

*National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: Turkestan, Central Asia, land-water relations, socio-economic life.

Received: 01.12.23

Accepted: 03.12.23

Published: 05.12.23

Abstract: This article analyzes and discusses the impact of land-water relations on the socio-economic life of the population in Turkestan in the 19th century.

XIX АСРДА ТУРКИСТОНДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АХОЛИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Нуриддин Мусаев

*тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Туркистон, Ўрта Осиё, ер-сув муносабатлари, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.

Аннотация: Ушбу мақолада XIX асрда Туркистонда ер-сув муносабатларининг ахоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири мавзуси таҳлил ва муҳокама қилинган.

ВЛИЯНИЕ ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЖИЗНЬ НАСЕЛЕНИЯ ТУРКЕСТАНА В XIX ВЕКЕ

Нуриддин Мусаев

*доктор исторических наук, профессор
Национальный университет Узбекистана
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Туркестан, Средняя Азия, сухопутно-водные отношения, социально-экономическая жизнь.

Аннотация: В данной статье анализируется и рассматривается влияние земельно-водных отношений на социально-

КИРИШ

Ўрта Осиё шароитида сұғорма дәхқончилик билан шуғулланиш учун катта-кичик каналлар қазиши, ғоят қийин ва мураккаб сув иншоотлар қуриш талаб қилинганды. Бирок каналлар ва иншоотлар кези келганды жуда осонлик билан бузиб юборилған. Хонликлар ўртасида бўлиб турган тўхтовсиз урушлар, кўпинча четдан бўлиб турган босқинчилик хужумлари сұғориш шахобчалари ва иншоотларининг вайрон қилиниши билан яқунланған. Бошқа ҳалқларга тегишли ерларни босиб олиш ёки талон-тариж қилиш оқибатида гуллаб-яшнаб турган воҳалар тезда чўл-биёбонга айланған.

АСОСИЙ ҚИСМ

Сув манбаларидан олисда бўлған ва сув чиқариш учун магистрал каналларининг мунтазам ишлаб туриши шарт бўлған ҳудудларда сұғориш шоҳобчаларининг вайрон қилиниши ҳалокатли оқибатларга олиб келган. Дарёларнинг бўйларида жойлашган ва катта магистрал каналлар қазиши талаб қилмайдиган жойларда сұғориш иншоотларининг вайрон қилиниши бу жойларда ҳаётнинг тўхтаб қолишига олиб келмасада, Бирок ҳўжалик ва маданий ҳаётнинг ўсиш суръатларини тўхтатиб кўйган ёки анча орқага сурган. Эски Термиз, Хоразм, Хуросон, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ҳамда Зарафшоннинг ўрта оқимлари шундай жойлар сирасига кирап эди.

Маълумки, XVI-XIX асрларда Европанинг илғор мамлакатларида саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнининг тезлашиб, шаҳарларнинг кенгайиши, аҳолининг кўпайиши, озиқ овқат маҳсулотларига бўлған эштиёжнинг ортиши, дәхқончилик маданиятини такомиллаштириш ва чорвачиликни ривожлантириш заруриятининг орти бориши қишлоқ ҳўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг интеграциялашуви жараёнини тезлаштириди. Бу ўз навбатида капитализмнинг қишлоқ ҳўжалиги тармоқларига кириб келишига зарур шароит яратди. Бу ўз навбатида қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини оширишга замин яратди. Аввало, экин экишга яроқли ерлардан унумли фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга, жумладан, асосий экинлар билан бирга ем-хашак экинлари (беда, сули ва б.)ни алмашлаб экишга эътибор кучайтирилган.

XVIII аср ўрталаридан бошлаб, ғарбий Европада дәхқончилик маданиятининг интенсив усуслари кенг қўлланила бошланди. Бунда кўп далали (алмашлаб) экиш, экинларни чопиқ қилиш, ем-хашак экинлари, экинга яроқли ерлардан тўла фойдаланишга ўтилган. Интенсив дәхқончилик маданиятида чопиқ қилинмайдиган экинлар (донли, дуккакли экинлар) билан чопиқ қилинадиган экинлар (ғўза, каноп ва б.)ни алмашлаб экиш

йўли билан тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, органик ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, экишга яроқли ерларда бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда сифатли товар маҳсулотлари берадиган экинларни етиштириш, суғориш жараёнида тупроқ эрозиясига қарши кураш долзарб масалага айланди.

Бу даврда Ўрта Осиёнинг майда давлатларга бўлиниб кетиши оқибатида феодал тарқоқликнинг кучайиши, ички низоларнинг авж олиши ўлка аҳолиси (аввало дехқонлар)нинг ижтимоий-иктисодий аҳволини ниҳоятда оғирлаштириди. Уларнинг баъзилари яшаш учун яхшироқ жой топиш илинжида ўз ерларини ҳам ташлаб кетишига мажбур бўлишган. Бундай ҳолат кўпроқ Зарафшон ва Фарғона водийларида кузатилган.

Абдурауф Фитрат Бухоро дехқонлари мисолида Ўрта Осиё ҳалқарининг оғир ижтимоий-иктисодий аҳволини қуидагича таърифлайди: «Менинг қарашим ва кузатишинг кўра, бу ҳалқнинг дехқончиликка рағбатсизлигининг сабаби уч нарсадандир. Бу масала амалдорларнинг ишлари билан боғлиқ бўлиб, унинг тафсилоти узун ва бу китобчага сифас. Шундай бўлса ҳам амлоқдорларнинг аҳволини қисқа баён этишни лозим кўраман.

Биринчидан, Бухоронинг амлоқдорлари ҳукуматнинг ҳақини дехқон ҳосилига қараб тахминан оладилар. Масалан, фалон дехқоннинг бир хирмон буғдойи бор. Амлоқдор ўзининг истагига кўра ушбу буғдойнинг миқдорини чамалаб, подшоҳлик ҳақини талаб этади. Амлоқдорлар ҳукумат томонидан ҳаққул-хизмат олмайдирлар, балки ўзларининг бутун ҳарж-масрафларини дехқон ҳисобидан ундирадирлар. Амлоқдорлар дехқоннинг хирмонини инсофсизлик билан чамаласалар, подшоҳнинг ҳақини ҳалққа ва ҳалқнинг ҳақини подшоҳга ўткарсалар ҳам, жазога тортилмайдирлар. Шунинг учун улар раият ҳақиға қўлларидан нима келса, шу даража хиёнат қила берадилар.

Иккинчидан, масъала дехқоннинг ўзига ҳам боғлиқдир. Дехқончилик асбоблари ва экин-тикин усуллари ҳам Ҳазрат Одам Ато дехқончилигидан фарқ қилмайди. Масалан, Оврупа мамлакатлари ўзларининг йирик шаҳарларида дехқончилик мактаблари очганлар. Ўз фарзандларини шу мактабга киритиб, қишлоқ хўжалигига оид фанлардан таҳсил оладилар. Бу мулкнинг дехқонлари эса «дехқончилик мактаби» деган тушунчани тушларида ҳам кўрмаганлар. Оврупа ҳокимлари ерга қувват баҳш этадиган хайратланарли дорулар ишлаб чиқағанлар. Бухоро дехқонлари эса, ерларига қувват бериш учун энг аввало битта от ва арава ёки бир неча эшак сотиб олишга мажбурлар, кейин эса шаҳар ичига келиб, ҳар куни одамлар оғилхонасидаги ахлатни ўша арава ва эшакларга ортиб, далага олиб кетадирлар, тўплайдирлар, тупроққа соладирлар. Зарур бўлған тақдирда, бу ифлос нарсаларнинг қопини бир таноб ерга тўқадирлар. Оврупа дехқонлари ерни шудгорлаш учун машиналарга эгадирлар. Бу машиналар бир кунда бир неча таноб ерни ҳайдаш қудратига

эга. Бухоро дехқонлари эса энг аввало иккита хўқизни анча қиммат нархда сотиб оладирлар, кейин йил бўйи ём учун кунига ўн тангадан сарфлаб, уларни асрайдилар ва баҳор кунларининг бошланишида катта мاشаққат билан бир таноб ерни кунлаб шудгор қиласидирлар.

Фарангистон дехқонлари буғдой янчиш учун алоҳида машина ясаб олишган. Бухоро дехқонлари эса, бу ишни бажариш учун бир неча хўқиз, эшакка муҳтождирлар. Шунинг учун ҳам бухороликлар ердан унумли фойдаланиша олмайди. Бухоро донишмандлари бу жихатдан дехқонларни гуноҳсиз билиб: «Асл гуноҳ бизнинг катталаримизда, буларни ҳалиғача тўғри йўлға бошламаганлар», -дейдилар. Мен ҳам бу фикрга қисман қўшиламан, аммо бу билан қаноатлана олмай, гуноҳнинг бир қисмини дехқонларнинг бўйнига қўяман, чунки ушбу сўзлар тушунтирилган тақдирда ҳам, улар қабул қилмайдирлар. Масалан, Қаршида ҳам, Бухорода ҳам бир неча кишига Фарангистондаги зироатчиликнинг йўл-йўриғини тушунтиридим, аммо улар «сиз жаннатдаги дехқончилик ҳақида сўзламоқдасиз, деб қулдилар».

Агарар муносабатларда масаланинг моҳиятини яхши тушунмасдан, уни соддалашган ҳолатида намоён этиш хусусияти урф-одатга айланган эди. Шунингдек, Темурийлар давлатининг парчаланишидан сўнгги, шайбонийлар даврида дехқончилик маданиятининг асрлар давомида ўзгаришсиз қолишига ўзбек уруғларининг ўзига хос иқтисодий ҳаёт тарзи ҳам сабаб бўлганлигини назардан кочирмаслик керак.

XIX аср ўрталарида Кўкон хонлиги шарқда Шарқий Туркистон, ғарбда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чегарадош, 15 та бекликка бўлинган каттагина давлат эди. Хонликда аҳоли анча зич жойлашган бўлиб, унинг ҳудудида тахминан 3 млн га яқин киши яшаган. Жумладан, Кўкон шаҳрида 80 минг, Тошкент шаҳрида 60 мингга яқин аҳоли истиқомат қилган. Хонликда хондан кейин *бош вазир* иккинчи шахс ҳисобланган. Давлат бошқарувида *қушибеги, оталиқ, девонбеги, мингбоши, шайхулислом, қозикалон, парвоначи, шиговул, саркор, иноқ, дастурхончи, амин, ясовулбоши* каби мансабдорлар иштирок этишган. Хонликда ҳарбий ишларни мингбоши бошқарган. Кўшинда юзбоши, ўнбоши лавозимлари бўлган. Кўшинлар қилич, найза ва пилта милтиқлар билан қуролланган. Хон зарурият туғилганда қурол-яроги билан 40 мингдан ошиқ сипохини тўплай олган.

Фарғона водийси аҳолиси ер ва сувдан самарали фойдаланишни ҳамда сунъий суғориш усууларини анча эрта ўзлаштириб олишган. 1819 йили қурилиши бошланган Янгиариқни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Норин дарёсидан бошланган бу ариқни қазишга хоннинг буйруғи билан Намангандаги вилоятида жойлашган ҳар бир оила 15 кунлик озиқ овқати билан бир ишчи берган. Қирғизқўрғонгача қазилиши режалаштирилган

бу ариқ дастлаб унча катта бўлмаган. Бироқ, кейинги ўн йил давомида бу ариқ кенгайтирилган, чукурлаштирилган ва янада узайтирилган.

Қўқон хонлигига буғдой асосий экин бўлиб, ундан ташқари арпа, жухори, маккажухори, тарик, гуруч, мош, ловия, кунжут, каноп, пахта, беда; полиз экинларидан-қовун, тарвуз, сабзи, пиёз, лавлаги, бодринг, қовоқ ва бошқалар; боғ'ларда- узум, ўрик, шафтоли, олма, нок, бехи, ёнгоқ, олхўри, гилослар етиширилган.

Хонликда пахтачиликка алоцида аҳамият берилган. Худоёрхоннинг ўзи ҳам шу мақсадда «Афғонбоғ» деб номланган ёзги қароргоҳидан маҳсус жой ажратган. Бунга Россияда Ўрта Осиё пахтасига талабнинг кучайиши натижасида пахтанинг нархи ошиб бориши ҳам сабаб бўлаётган эди.

Хонликда суғориладиган ерлардан фойдаланиш тартиби ва усуслари Бухоро амирлигидан деярли фарқ қилмаган. «Замини мамлака» (амлок ерлар) деб номланган ерларнинг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бундай ерлар хонлар ихтиёрида бўлиб, улардан келадиган даромаднинг асосий қисми ер рентаси (хирож, танобона ва бошқалар) сифатида хонлар ва беклар чўнтағига тушган. Хонларнинг хоҳишлирига кўра, бундай ерлардан тушадиган даромад давлат ва диний хизматчилар фойдасига берилиши, вакф ихтиёрига ўtkазилиши ёки сотилиши мумкин бўлган.

XIX асрда Қўқон хонлигига ҳам ерларнинг марказий ҳукумат қўлида тўпланиши кучайганлиги кузатилади. Хонларга тегишли бўлган ерларни шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин: 1) маҳсус ерлар (хос ёки мирий ерлар деб ҳам аталган) бўлиб, улардан келадиган даромадлар хонлар саройлари ва шахсий қўшинлар эштиёжлари учун ишлатилган; 2) қўриқлар (даҳлсиз ерлар); 3) хонлар ва уларнинг оила аъзоларига тегишли «чек» деб аталган ерлар. Хонлар «чек» ерларини кўпинча ижарага бериб қўйишган. Хонларнинг чек ерлардан ташқари, Урганжибог, Афғонбоғ каби боғлари ҳам бўлган.

Сунъий суғоришга асосланган дехқончилик аҳолини айрим қишлоқларга (жамоаларига) уюштириб қўйган ва бу қишлоқлар сув манбаи ёки суғориш канали теварагига тўпланган эди. Бу қишлоқлар иқтисодий жиҳатдан анча мустақил эдилар.

Ҳар бир қишлоқда дехқонлардан ташқари косиблар ва хунарманд-косиблар бўлган. Булар маҳсус ишлаб чиқариш қуроллари (кетмонлар, ўроқлар, арава ва шу кабилар) ясаш, кийим ва пойафзал тикиш, шунингдек пахса уриш, дурадгорлик ҳамда бошқа ишларни бажаришган. Косибларнинг ҳам ўзларига яраша томорқалари бўлган. Бундай жамоалар ўзлари етиширган озиқ овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва ишлаб чиқариш қуроллари ҳисобига яшашган. Қишлоқ аҳолиси ўзлари етиширмайдиган нарсаларнигина яқин шаҳарлар ва қишлоқлардан сотиб олишган.

Ўша вақтларда Ўрта Осиё қишлоқлари ҳам хинд дехқон жамоалари сингари феодаллар томонидан эксплуатация қилинаётган натурал хўжаликка асосланган ва четга сотиш учун ортиқча маҳсулоти бўлмаган жамоалардан иборат эди. Дехқонларнинг феодалларга ишлаб бериш мажбурияти рентанинг асосий шакли бўлган. Қишлоқлар асрлар давомида ўзгармаган. Агарда биронта қишлоқ ҳароблик туфайли йўқ бўлиб кетса, пайдо бўлган янги қишлоқ ўзининг ижтимоий тизими жихатидан эски қишлоқдан фарқ қилмаган. Туркистонда сунъий сугоришга асосланган дехқончилик ўзининг самарадорлиги жихатидан лалмикор дехқончилик ва яйлов чорвачилигига қараганда анча устун турсада, лекин бу Россия ёки ғарбий Европанинг сугорилмайдиган дехқончилигига нисбатан серхаражат бўлиб кўп меҳнат талаб қилган.

Ўрта Осиёнинг суғорма дехқончилиги Россия тўқимачилик саноати учун хом ашё етишириб берувчи асосий манбага айлааниб борди. Туркистон қишлоқларида пахта экиладиган майдонларни ва ишакчилик базасини кенгайтириш учун, шаҳарларда эса тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун зарур хом ашё манбаси бўлсада, бироқ, бу имкониятларни ишга солиш учун билим, тадбиркорлик ва ишбилармонлик етишмади. Ўзларининг тор тафаккур доираларида ўралашиб қолган хонлар, йирик ер эгалари ва амалдорлир узоқни кўра олишга қодир бўлишмаган.

XIX асрнинг II ярмида Европа мамлакатларида капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланиши Россия каби ҳарбий-феодал идора усулига асосланган давлатларга ҳам ўз таъсирини ўtkаза бошлади. Рус буржуазияси Европадаги ривожланган капиталистик мамлакатларнинг фан-техника ва саноат ишлаб чиқариши соҳасида эришган ютуқларини ўз завод-фабрикаларида қўллашга киришдилар. Айниқса, 1861 йилдаги дехқонлар қарамлигини бекор қилувчи ислоҳотдан кейин озодликка эришган кўплаб дехқонлар завод-фабрикаларга ишга жойлаша бошладилар. Бу Россияда капиталистик ишлаб чиқаришнинг нисбатан тез ривожланишига таъсир кўрсатди. Бироқ, малака жихатидан анча орқада бўлган рус ишчилари томонидан тайёрланган маҳсулотлар Европа бозорларидаги рақобатга бардош бера олмади. Шундан кейин рус буржуазияси ҳукумат олдига Кавказ, Эрон ва Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш масаласини қўя бошлади.

Чоризмнинг иқтисодий иқтисодий сиёсати асосан дворянлар ва помешчиклар манфаатларини ифода этса-да, буржуазия манфаатлари билан ҳам ҳисоблашишга мажбур эди. Чунки, бу даврда капиталистик ишлаб чиқариш тобора кенгроқ тармоқ отиб, янги саноат марказлари вужудга келган, завод ва фабрикалар сони кўпайган, транспорт алоқалари яхшиланган, урбанизация жараёни кучайган, шаҳарлар кенгая бошлаган эди. Бу ишларнинг бошида рус буржуазияси турар эди.

Россияда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши янги бозорлар ва хом ашё манбаларига эштиёжни кучайтира бошлади. Бу чоризмнинг босқинчилик сиёсатини авж олдиришга сабаб бўлган омиллардан бири эди. Шундай қилиб, Россия ҳукумати Ўрта Осиё ҳонликларига қарши босқинчилик урушларини бошлаб юборди. Ҳонликлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар ва адватлардан усталик билан фойдаланган рус генераллари қисқа вақт ичida ўлканинг катта қисмини эгаллаб, уни мустамлакага айлантиришга муваффақ бўлдилар. “XIX аср охирида Русия империяси ер юзи қуруқлик қисмининг олтидан бирига эгалик қила бошлади. Русия 200 га яқин миллат- элатларнинг турмаси бўлиб қолди, 50 га яқин камсонли халқ ўз миллий қиёфасини йўқотди. Унинг ҳудуди эса 22 миллион 400 минг квадрат километр бўлиб қолди. Кўринадики, агар Русия давлат бўлиб шаклланганида унинг щудуди 200 минг квадрат километр бўлса, 4 аср давомида қўшнилари ери ҳисобига, асосан Турон замин ҳисобига 10 баробардан ортиқ кенгайган, у бунга фақат босқинчилик билан эришган”.

Чоризм босиб олинган ҳудудларни идора қилиш учун 1867 йил июл ойида Туркистон генерал- губернаторлигини ташкил этди. Биринчи генерал-губернатор қилиб тайинланган айёр ва уддабурон генерал фон К.П.Кауфман ўзига берилган “Туркистон ўлкасида тартиб ырнатувчи” деган номни оқлаш учун 15 йил (1867-1882) давомида Россиянинг Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашга ҳаракат килди. К.П.Кауфман ва унинг издошлири ўлкани Россиянинг хом ашё базаси ва саноат маҳсулотларини сотиш бозорига айлантириш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Бунинг учун, аввало, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудуди янги босиб олинган ерлар ҳисобига тобора кенгайтириб борилди. Унинг таркибига 1868 йили Зарафшон округи, 1873 йили Амударё бўйлари, 1876 йили Фарғона, 1899 йили Каспийолди вилоятлари қўшиб олинди. Шундай қилиб, генерал-губернаторликнинг жами майдони 1533255 км квадратни ташкил этди.

Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида 1867 йили қабул қилинган низомга кўра, босиб олинган ҳудудларда “махсус тартиб” жорий этилган бўлиб, у ҳарбий ҳолат билан тенг эди. Шундай йўл билан Туркистон халқлари “алоҳида тартиб асосида бошқарилувчи аҳоли” қаторига киритилди. Бунинг оқибатида Туркистон халқлари оддий фуқаролик ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўлдилар. Ўлка аҳолисининг мустамлакачилик давридаги ҳаёти ҳақида И.Каримов: “Биз мустақилликнигина эмас, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик. На чор ҳукумати, на қизил империя салтанати Туркистон халқларининг тарақкий топишини ҳеч қачон истаган эмас. Ер ости ва ер усти бойликлари ададсиз, тупроқлари ҳосилдор, табиати жаннатмисол бу ўлка ҳалол, очик кўнгил, меҳмондўст ва айни пайтда, меҳнаткаш халқи билан биргаликда 130 йил давомида мустамлакачилик азобини тортиб келди...” деб таъкидлаган эди. Ўша давр

тарихини ҳаққоний ёритиш бугунги мустақиллигимизнинг қадрига етишга, уни асраршимизга ва мустаҳкамлашимизга хизмат қиласи.

Чоризм маъмурияти қўлга киритилган бой ўлкани идора қилиш учун янги, ҳарбий-маъмурий бошқарув тизимини ишлаб чиқди. Юқорида кўрсатилган низом асосида Туркистон генерал-губернаторлиги 27 та ҳарбий-маъмурий худудлар (уездлар)га бўлиниб, генерал-губернатордан тортиб, шаҳар, уезд ҳокимларигача чор армияси зобитларидан тайинланди. Маҳаллий аҳоли вакиллари эса фақат қўйи бошқарув органлари—мингбоши, юзбоши, элликбоши ва ўнбоши каби лавозимларгагина қўйилган, холос. Улар ҳам бевосита уезд бошлиқларига бўйсунишган. Волост ва қишлоқ оқсоқоллиги лавозимларига кишилар сайлаб қўйилган бўлишсада, Бироқ бундай сайлов ҳуқуқи халқа номигагина берилган былиб, бу лавозимга ҳоким ёки уезд бошлиғи томонидан тавсия қилинган кишиларгина сайланган.

Чоризм маъмурларининг ўлкада ”сайлов“ тизимини жорий этишдан мақсади, маҳаллий аҳолига маълум эркинликлар бериш ниқоби остида бошқаришни мустамлакачилик манфаатларига мослаштириш, ўзларининг йўриқларидан чиқмайдиган кишиларни танлаш ҳамда танлов жараёнида порахўрликни кучайтириш орқали бойлик орттиришдан иборат эди. Сайланишни истаган киши сайловчиларни сотиб олиши учун бир неча минг сўм сарфлаши кифоя қиласи. Бунча пул сарфлашга чор амалдорларига яхши таниш бўлган, улар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдар бўлган пулдорларгина қодир эдилар.

Ўлка босиб олингандан кейин мустамлакачи маъмурлар ўз атрофларига маҳаллий амалдорлар, беклар, савдогарлар ва бошқа мулкдор шахсларни тўплашга ҳаракат қилдилар. Бундан мақсад маҳаллий мулкдорлар ёрдамида ўлкани идора қилиш, меҳнаткаш аҳолини эксплуатация қилишни кучайтириш эди. “Русия маъмурлари томонидан,- деб ёзган эди Муҳаммад Солиҳ Тошкандий,-рус давлатининг содик кишилари ҳисобланган, аслида душман тегирмонига сув қўйган Тошкент шаҳрининг амалдорлари, савдогарлари-Саидазимбой Муҳаммадиев, Шайхулислом Носир Мулла Исҳоқ, қозикалон Юсуфхўжа Абдуллаҳхўжаев, қозикалон Қаландархўжа Жунайдуллаев ва бошқа амалдор-хоинлар Русия подшоси Александр II томонидан Петербургда 1867 йилда қабул қилинганлар». Юқорида номлари келтирилган шахслар тижорат, саноат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида рус давлати ва буржуазияси билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эдилар. Улар мустамлакачилик сиёсатига қарши бўлган қўқонлик савдогар Мирза Ҳаким, йирик ер эгаси Миан Ҳаким каби ватанпарварларни сотиб, эвазига мукофотлар, лавозимлар олдилар.

1868 йил 22 январда К.П.Кауфман Тошкентда маҳаллий бойлар ва оқсоқолларни тўплаб, уларга қилган мурожаати ҳам фикримизни тасдиқлайди. “Подшо менга, -деган эди

у,- ўлканинг ички тузилишини мустаҳкамлаш, бу ерда яшаётган рус, сарт ва қирғизлар тинчлигини сақлаш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлигининг барча халқлари учун Петербургда ёзилган қонунларни амалда қўллаш тадбирларини муҳокама қилишни топшириди. Қонунлар шундай тузилганки, агар хоҳласангиз у сизга баҳт келтириши мумкин. Шундай қилиб, ҳукумат тошкентликларга, бошқа сартлар қатори мираблар, оқсоқоллар, қозилар ва хизматчиларни сайлаш имконини беради”.

1870 йили Оқ подшо маъмурияти томонидан империянинг барча шаҳарлари учун чиқарилган низомга давлат кенгаши Туркистон учун бир қатор қўшимчаларни киритди. Унда, жумладан шундай дейилган эди: «Шаҳар думаси аъзоларининг 1/3 қисми шаҳарнинг Осиё қисмидан..., унинг аҳолиси орасидан, қолган 2/3 қисми эса шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмидан сайланадилар... Шаҳар бошлиғи Туркистон генерал-губернатори тавсияси билан ҳарбий вазир томонидан белгиланади ва ҳукумат уни лавозимга тайинлайди”. Низом кучга кирганда (1877) Тошкентнинг Эски шаҳар қисмida 140 мингга яқин, руслар яшайдиган қисмida 3921 киши яшар эди. Шаҳар низомида маҳаллий аҳолининг ҳуқуқлари батамом чеклаб қўйилганлиги яққол кўзга ташланади.

1877-1881 йилларда Тошкент шаҳар думасининг 71 аъзоси былиб, улардан 17 киши зобит, 40 киши савдогар ва 14 киши турли касб эгалари (врач, муҳандис, руҳоний, меъмор, нотариус ва бошқалар) эдилар. Улар орасида маҳаллий аҳоли вакиллари бор йўғи 20 (28 фоиз) кишини ташкил қилган. Улар ҳам Азимбоев, Мақсудхўжа Хўжаев каби савдогар ва йирик ер эгаларидан иборат эди. Мустамлакачилик шароитида ўлкада бошқарувни ташкил этишдан ташқари ер масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди. Маҳаллий аҳолининг ерга бўлган муносабатлари қайта кўриб чиқилди ва у Россия ҳукумати манфаатларига мослаштириб ҳал қилинди.

Ўлкада яшаётган кычманчи халқларнинг ерлари давлат мулки деб эълон қилинди ва ўз эгаларига чекланмаган муддатга фойдаланишга берилди. 1873 йил Кауфман бошчилигига ишлаб чиқилган ер ҳақидаги Низомда фақат қонуний ҳужжатлари бўлган кишиларгина ўзларига тегишли ерларни хусусий мулк қилиб олишлари кўзда тутилган эди. Маълумки, маҳаллий аҳолининг асосий қисмida бундай ҳужжатлар йўқ бўлиб, уларни бериш ёки борларини тасдиқлаш чор маъмурларининг хоҳишлирага боғлиқ эди. Бу чор маъмуриятига ҳужжатсиз дехқонларнинг ерларини тортиб олишлари учун қулай имконият яратар эди. Масалан, 1870 йили очик бозорлар қуриш баҳонасида тошкентлик дехқонлардан 3000 десятина, 1871 йили Тошкентда Константиновский от заводи ширкатини жойлаштириш учун 23 минг десятина ер тортиб олинди. Чор маъмурларининг сурбетликлари маҳаллий аҳолининг қаттиқ норозиликларига сабаб бўлди Маъмурлар ҳаддиларидан ошганликларини сезишиб, 2 минг десятина ерни ширкат ихтиёрида олиб

қолдилар. Қолган ерлар эса эгаларига қайтарили. Бошқа вилоятларда ҳам ахвол бундан яхши эмас эди. Масалан, биргина Кўқон шаҳрини кенгайтириш баҳонасида маҳаллий аҳолидан 100000 кв саржин ер тортиб олинган. Шунингдек, 1877 йили Янги Марғилон (Фарғона) шаҳрини куриш учун дехқонлардан бир неча минг десятина ер тортиб олинди, маҳаллий аҳолининг янги шаҳарга кўчиб келишлари таъкилаб кўйилди. Бошқа шаҳарларда ҳам чор маъмурлари томонидан маҳаллий аҳолига тегишли ерлар ўзбошимчалик билан талон-тарож қилина бошланди. Дехқонлардан тортиб олинган ерларда юзлаб барлар, дала ҳовлилар, черковлар ва саноат корхоналари пайдо бўлди Бу хақда тафтиш комиссиясининг аъзоси Добросмислов: “Фақат ишёқмасларгина ишсиз қолдилар, ишбилармонлар катта-катта ерларни эгаллаб олдилар”, – деган эди. Бу фикри билан у чор маъмурларининг ўзбошимчаликларига хайриҳоҳлик билдириб, маҳаллий аҳолига тегишли ерларни тортиб олинишини табиий ҳол деб баҳолаган эди.

Чор маъмурлари ўлкани идора қилишда кўпинча маҳаллий зодагонларга таянишга мажбур бўлганликлари туфайли, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилар эдилар. Масалан, 1873 йили Амударё бўлимида рус ҳукуматига кўрсатган ёрдами учун йирик ер эгаси, судхўр Матниёзнинг болаларига дехқонлардан тортиб олинган 1210 десятина ер совға қилинган. Кауфман маъмурияти чоризмга душманлик кайфиятида бўлган феодалларни ўзига бўйсундириш мақсадида, уларнинг ерларини тортиб олиб ҳам қўйган. Авф сўраганларнинг ерларини қайтариб берган. Масалан, йирик ер эгаси Миён Фозил ва унинг 11 оға-иниси 1875 йили оталаридан тортиб олинган Кўқон ўрнидаги ерларни унчалик қийинчиликларсиз қайтариб олишган. Чоризм маъмурлари шундай йўллар билан маҳаллий бойларни ўзига тобе қилиб олишга ҳаракат қилишган.

Чоризм маъмурлари меҳнаткаш халқни «шаҳар эҳтиёжлари» учун ҳам талар эдилар. Туркистоннинг деярли барча йирик шаҳарлари ёнида, улар учун янги турар жойлар қад кўттарди. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Марғилон, Каттақўрғон ва бошқа шаҳарларнинг янги қисмлари вужудга келди. Бу ерларда яшаган маҳаллий аҳолининг томорқалари тортиб олиниб, ўzlари кўчириб юборилди. Янги шаҳарлар аҳолисини боқиши дехқонлар ва шаҳар камбағаллари зиммасига юкланди. Масалан, 1879 йили Тошкент шаҳрининг руслар яшайдиган қисми эҳтиёжларини қоплаш учун эски шаҳарнинг ҳар бир хонадони 31 тийиндан тўлашга мажбур бўлган. Туркистонда ишлаган тафтиш комиссияси раиси Гирснинг ҳисоботида кўрсатилишича, «Янги Марғилон» (Фарғона) дан 12 чақирим масофада жойлашган Эски Марғилон янги шаҳарга алоқаси бўлмасада, унинг харажатлари учун йилига 9 минг сўмгача тўлаб турган. Самарқанднинг Эски шаҳар қисми ҳам Янги шаҳарнинг барча харажатларини қоплаб турган. Гирс бу хақда: «Шаҳарларга кетадиган

харажатларни қоплашнинг бу усули маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳол икки халқни яқинлаштириши мумкин эмас», –деб ёзган эди.

1897 йили Россияда ўтказилган аҳоли рўйхатга кўра, Туркистоннинг 5 вилоятида қўйидаги миқдорда аҳоли яшаган.

- Каспий олди вилоятида 383 минг киши
- Самарқанд вилоятида 860 минг киши
- Сирдарё вилоятида 1478 минг киши
- Фарғона вилоятида 1572 минг киши
- Еттисув вилоятида 988 минг киши

Жами: 5281 минг киши.

Маълумотларга кўра, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида аҳоли зичроқ яшаган. Ўша вақтдаги тахминий ҳисоб- китобларга кўра Бухоро амирлигида 3 миллион киши, Хива хонлигига эса 500 минг киши яшар эди. Чор маъмурлари ўз мустақилликларини йўқотиб, қарам давлатларга айланган Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари худудларида рус савдо-саноат буржуазияси учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, чоризм маъмурияти Туркистонда миллий ва диний масалаларга бирмунча эҳтиёткорлик билан ёндошли. Аҳолисининг асосий қисмини (95,5 %) мусулмонлар, фақат 3,5 %ини христианлар ва 1 %ини бошқа диндаги кишилар ташкил этган Туркистонда миллий ва диний масалаларда эҳтиётсизлик кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Мустамлакачи маъмурлар ўлка халқарининг бой тарихи, маданияти, урф-одатлари, диний бўлса-да таълим тизимининг маълум даражада йўлга кўйилганлиги билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Улар, ўлкада диннинг мавқеи юқорилигини кўришгач, ўзларини тийишга мажбур бўлдилар.

Айни вақтда рус маъмурлари туб мақсадларини амалга ошириш учун ўлкани руслаштириш сиёсатига алоҳида эътибор бердилар. Туркистонда очилган давлат муассасалари, судлар, банклар ва бошқа ташкилотларда иш юритиш фақат рус тилида олиб борилди. Маҳаллий аҳоли (асосан бойлар, қозилар ва бошқалар)нинг фарзандлари учун рус - тузем мактаблари очилди. Бундан мақсад, чор ҳукумати учун маҳаллий аҳолини келажакда «сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган бошқарув ишларига жалб қилиш» дан иборат эди.

ХУЛОСА

Чор маъмурларининг ўлкада маҳаллий аҳолини дунёвий таълим тизимига жалб қилишни кучайтиrmадилар. Чунки дунёвий таълим эртами-кечми ўлка халқарини ўз ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш учун сиёсий кураш майдонига олиб чиқиши муқаррарлиги учун ҳам рус-тузем мактаблари қўпайтирилмади. Масалан, “1911 йили Фарғона, Самарқанд ва

Сирдарё вилоятларида бор-йўғи 143 та рус тузем мактаби бўлиб, уларда 8961 ўқувчи таълим олган. Бу ўлка аҳолиси умумий сонининг салкам 0,17 фоизни ташкил этарди”. Туркистон генерал-губернаторларидан бири—А.Н.Куропаткин, бу ҳақиқатни тан олиб, ”Биз 50 йил туб жой аҳолини тараққиётдан жиловладик, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик”, деган эди.

Туркистон Россия тожидаги бебаҳо жавоҳир эканлигини эътироф этишган рус маъмурлари, кўрилаётган чора -тадбирлар ўлкада мустаҳкамланиб олиш учун етарли эмаслигини хис қилишиб, бу ерга Россиянинг марказий районларидан “ортиқча” аҳолини кўчириш сиёсатини олиб бордилар. Сенатор К.К.Пален Россия манфаатларидан келиб чиқиб, қўйидаги фикрни билдирган: “Бу ўлка Россияга қўшилган кундан бошлаб уни икки томонлама: 1) молиявий сиёсат нуқтаи-назаридан давлатнинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор сифатида; 2) мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан ортиқча аҳолини жойлаштириш учун янги вилоят сифатида қизиқтиради”. Россиядаги «ортиқча» аҳолини чекка ўлкаларга қўчириш ижтимоий зарурият ҳам сабаб былаётган эди. Чунки, капитализмга хос ишлаб чиқариш жараёнида халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига нисбатан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳолининг мунтазам суратда камайиб бориши табиий ҳол былиб, ка”Нурпитализм билан тўқнаш келган дехқонлар ё саноат ишлаб чиқариши ва у билан боғлиқ соҳаларда ишлашга ёки бошқа юртларга кычиб кетишига мажбур эдилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент: «Маънавият», 2000. -144-145-бетлар.
2. История Узбекистана (XVI- первая половина XIX века)... –С. 214
3. Наливкин В. П. Краткая история Кокандского ханства. –Казань, 1886. –С. 29-31
4. Ватан туйғуси. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1996. 106-бет.
5. Ўзбекистон тарихи. 1-жилд, II-китоб, -Тошкент, 1957. 106-бет.
6. Каримов И. А. Буюк ма=сад йылидан о`ишмайлик. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1993. 17-бет.
7. Ҳасанов М. Туркистон босқини. -Тошкент: «Нур», 1992. 39-40-бетлар.
8. Добросмыслов А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. –Ташкент., 1912. –С. 63-64.
9. К 30-летию городского, общественного управления Ташкента.-Ташкент, 1900,- С. 4-5.
10. Кастельская З. Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). -М.: “Наука”, 1980, -С. 50.

11. Губаева С. С. Население Ферганской долины в конце XIX –начале XX вв.- Ташкент: <<Фан>>, 1991. -С.103.
12. Добросмыслов А. И. Ташкент в прошлом и настоящем... -Ташекнт, 1912. -С. 118
13. Кауфман К. П. Проект всеподданнейшего отчета... -СПб, 1885. -С. 251-252
14. Кастельская З. Д. Из истории Туркестанского края... -С. 43.
15. Гирс Ф. К. Отчет о состоянии Туркестанского края... -СПб., 1883. -С. 113.
16. Гулишамбаров С. И. (тузувчи). Экономический обзор Туркестанского района. Ч. 1. -Ашхабад, 1913. -С. 14.
17. Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). –М.: “Наука”; 1980. -С. 35.
18. Статический ежегодник 1917-1923 г. Т. 1. Ч. 3. –Ташкент. 1924. –С. 80-81.
19. Ҳасанов М. Туркистон босқини. –Тошкент: “Нур”, 1992. 39-бет.
20. Пален К. К. Материалы к характеристику народного хозяйства в Туркестане. Ч. I. -, -СПб, 1911 -С. 12.